

Сизларнинг энг яхшингиз — аёлига гўзал муомала қилувчингиздир



14:52 / 27.01.2024 4440

Бутун оламлар Холиқи бўлмиш Аллоҳ таоло пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни инсоният ичидан ўз рисолатига танлаб олди. Аллоҳ таоло Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни мақтаб шундай деди:

مِمَّنْ طَعَّرَ قُلُوبَ لَعَلَّ كُنَّا

«Сиз буюк хулқ узрадирсиз». (Қалам сураси, 4 оят).

Бундан ташқари, Аҳзоб сурасининг 21-оятида эса;

رَكَدَوَ رَحَّالَا مَوْيَلَاوَا لَلَا وُجَزِي نَاكَ نَمَلْ ةَنَسَحْ ةُؤَسْأَلَلَا لُؤَسَر يِفْ مُكَلَل نَاكَ دَقَل
أَرِي شَكَ لَلَا

«(Эй, имон келтирганлар!) Сизлар учун – Аллоҳ ва охират кунидан умидвор бўлган ҳамда Аллоҳни кўп ёд қилган кишилар учун Аллоҳнинг пайғамбаридида гўзал намуна бордир» дея бизларни ҳам У зотга эргашишга буюрди.

«Буюк хулқ»нинг маънолари ҳақида турли тафсирлар бор. Аввало хулқ бу ерда ўзининг асл маъносидида ишлатилгани маъқул. Ҳадисда Расул соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари: «Мен макорими ахлоқни такомиллаштириш учун юборилганман», – деганлар. Ҳақиқатан, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам биринчи даражадаги комил инсон эканларига асло шубҳа йўқ. Бошқача тафсир қилувчилар бу оятдаги «буюк хулқ»дан мурод – Қуръон ёки улуғ дин, яъни ислом дини деб изоҳлашга ҳаракат қилганлар[1].

Суюкли пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Оиша онамиз розияллоҳу анҳодан ривоят қилган ҳадисда: «Сизларнинг яхшиларингиз ўз аҳлига яхши муомала қилганингиздир. Мен ўз аҳлига яхши муомала қилувчироғингизман».

Имом Термизий ривояти.

Бошқа ҳадиси шарифда: «Огоҳ бўлингиз! Аёлларга яхши муносабатда бўлишга тавсия қиламан» ва яна бир ривоятда эса, «Комил мўмин хулқи гўзал бўлгандир. Сизларнинг энг яхшингиз - аёлига гўзал муомала қилувчингиздир», деб марҳамат қилганлар.

Имом Термизий ривояти.

Келинг, эй Расулни севгучилар, У Зот алайҳиссаломнинг оилалари билан боғлиқ сийрат ва ахлоқлари ҳақида билиш, хабардор бўлиш, яқиндан танишиш мақсадида табаррук ибратли хонадонга маънавий меҳмон бўлиб, бир назар солайлик. Шунда, хонадонларидаги ҳаётлари, аҳли оилалари билан бўлган муомалалари борасида тасаввур ҳосил қиламиз. Чунки, биз У зот алайҳиссаломнинг умматимиз. Биз ўзимиз ва жамият кишилари

орасида мана шундай соф булоқдан, мукамал хулқдан баҳраманд бўлишга муҳтожмиз. Хусусан, ҳозирги замонда жамиятдаги оилаларда талоқ масалаларида мўътадиллик кўтарилган, оилавий жанжаллар ҳамда оилалар бирлиги йўқолаётгани ҳақидаги доимий хабарлар кўпайган. Шундай вақтда набавий ахлоқ ва кўрсатмаларга янада кўпроқ эҳтиёж сезамиз. Хусусан, оила ва унинг мустаҳкамлигида У Зот соллаллоҳу алайҳи васаллам ибрат ва намуна мактабини ўтаганлар.

Жамиятдаги кўплаб эркакларга, яъни бизга уйимизда ўзимиз бирор рўзгор юмушларидан бирини қилиш гўё оғирдек туюлади. Баъзилар эса эркак киши эканини исботлаб қўйиш учун ҳам уйларида ана шундай иш қилмасликни ўзларига вазифа қилиб оладилар. Ваҳоланки, росулимиз Набий алайҳиссалом олий мақомда эканликларига қарамай, уй ишларида ўз оилаларига, аёлларига ёрдам берар эдилар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам давлат бошқаруви, одамларнинг муаммолари ҳамда рисолатни етказишдек масъулиятли вазифалари бўлса-да, гувоҳи бўлиб турганимиздек, уйларида ҳамиша ёрдамчи эдилар.

Оналаримиздан бирлари Оиша розияллоҳу анҳодан сўрадилар: «Аллоҳнинг росули соллаллоҳу алайҳи васаллам уйда нима қилар эдилар?». Онамиз бундай жавоб бердилар: «У зот алайҳиссалом инсонларнинг энг мулойими, энг олийҳиммат ва олийжаноби, шу билан бирга сизлардек бир инсон эдилар. Лекин У зот сертабассум, аҳли аёлининг ишларида ёрдам берувчи, кавушларини, либосларини ўзлари ямар эдилар, ўз-ўзларига хизмат қилар, эчки соғар эдилар. Агар намоз вақти яқинлашса, гўё у зот бизни, биз у зотни танимас эдик (намоз ўқишга буюриб, ўзлари дарҳол адо этишга киришар эдилар)».

Имом Бухорий ва Аҳмад ривояти.

Мазкур ҳадиси шарифни бир оз таҳлил қилиб, фикр юритиб кўрайлик;
«Сизлардек бир инсон эдилар, лекин У зот сертабассум эдилар...».

Ажабо! Замонамизда мана шундай гўзал хулқни аҳли оилаларимизга нисбатан амалга оширишга қанчалар муҳтожмиз!

Баъзиларнинг ҳолатларини кўриб таажжуб ортади. Уйдан ташқарида

чиройли сўзлар ва табассумли юзлар ила ўзгалар билан муомала қиладилар. Ўз уйларига кирганларида ва оиласи билан ёлғиз қолганда эса кўчадаги ҳолатлари ўзгаради. Унинг юзида зулмат, ғазаб ва жирканишдан ўзга нарсани кўрмайсиз. Ваҳоланки, аҳли оиласи ва уларнинг ўртасига Аллоҳ таоло муҳаббат ва меҳрибонликни солиб қўйган бўлса, гўзал муомалага айнан улар ҳақли эмасмилар?!

«...Аҳли аёлининг ишларида ёрдам берардилар...».

Ўз-ўзимизга савол бериб кўрайлик; Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламнинг уйларининг катталиги қанча эди-ю, оилаларининг хизматида бўлсалар? Пайғамбаримиз алайҳиссалом камтарона, ўта содда ҳаётни ўзларига раво кўрган инсон эдилар. Уйлари эса кичкина бўлиб, алоҳида ҳовлиси ҳам йўқ эди. Дабдабали ва кенг ҳам эмас эди. Уйлари кичик-кичик хоналардан иборат бўлиб, ҳар бир хонада аёлларидан бирлари яшар эдилар. Яна бир ўйлаб кўрайлик! Оналаримиздан бирорталари уй ишларининг кўплигидан, унинг машаққатларидан У зот алайҳиссаломга шикоят қилганмиларки, Набий алайҳиссалом уларнинг хизмати ва ёрдамида бўлсалар?! Йўқ, асло бундай бўлмаган. Бу У зотнинг гўзал ахлоқларидан эди!

Ҳақиқий мусулмон эр аҳли аёлига очиқ чеҳра билан қараб ишларида ёрдамлашиши керакки, аёли ўзини меҳрибон, кучли инсоннинг ҳимоясида эканлигини ҳис қилиши ва дарду хасратларини унга айта олишига ишониши керак. Бу борада пайғамбаримиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламда ҳар биримиз учун гўзал намуна бор. Зотан, У зот суюкли эр, самимий маслаҳатчи, ҳақиқий улфат бўлиб, кенгчиликда аёлларини хурсанд қилишга уринар, қийинчиликда сабрга чақирар, қайғуларини аритар эдилар, қўпол муомала қилмас, тиллари билан озор бермас, хато қилармикин деб пойлаб юрмас, кўп танбеҳ бермас, аксинча кечириб юборар, улар билан маслаҳатлашар, фикрларини эшитиб кўрар эдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аҳли аёлларига муносабатлари қандай бўлганлигини айтиб адо қила олмаймиз. Негаки, «Нисо» сураси 19-оятда келган Аллоҳ таолонинг «Улар ила яхшиликла яшангиз» деган буйруғига ҳақиқий амал қилгувчи зот Расулимиз соллаллоҳу алайҳи васаллам эдилар. Бунга тарих ҳам гувоҳдир.

Ишларининг кўплиги мазкур илоҳий кўрсатмага амал қилишдан тўсмаган. Бу эса аёлларга тоқатларидан ортиқ ишларни буюрадиган ва ўзларининг мажбурияти қолиб, фақатгина ҳуқуқларини кўрадиганларга тарбиядир. Ҳатто баъзилар Аллоҳнинг калимаси билан ўз зиммасига омонат қилиб олган ожизасига нисбатан беҳурматсизлик, эътиборсизлик ила муомала қилади. Бундай касалликларга даво Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига эргашишдир. У зот: «Аёлларингизга яхши муомала қилинглр», деб марҳамат қилганлар.

Кимки оилавий ҳаётида бахтга эришишни хоҳласа, шубҳасиз Аллоҳ таолога тақво қилсин ва пайғамбаримиз Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга эргашсин. Аллоҳ таоло «Аҳзоб» сурасининг 21-оятида шундай марҳамат қилади: «Дарҳақиқат, сизлардан Аллоҳдан ва охират кунидан умиди бор ва Аллоҳни кўп зикр қилган кимсалар учун Расулulloҳда гўзал намуна бордир».

Шундай экан ким ўз аёлини Хадича, Оиша ва София оналаримиздек бўлишини истаса, аҳли оиласи билан бўлган муҳитни худди пайғамбаримиз Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг оналаримизга қўллаган муомаласи каби қилмоғи лозим. Қолаверса, аёллар ҳам бахтиёр оила барпо қилиш учун мўминларнинг оналарига сидқидилдан эргашмоғи керак.

Яратган ўз ҳикмати ила инсонларни эркак ва аёл қилиб қўйган. Уларни ўз жинсларига мос ва хос хислат ҳамда фазилатларга мужассам қилиб яратган. Улар бир-бирлари билан тинч-осойишта, аҳил-иноқ бўлиб ҳаёт кечиришлари учун керакли кўрсатма ва таълимотларини ҳам баён қилиб берган. Шундай экан, манашу илоҳий таълимотларга оғишмай амал қилинса, эркак рисоладагидек эр, аёл эса рисоладагидек хотин бўлса, шубҳасиз ҳаёт гўзал ва саодатли бўлади.

Жалолиддин домла Ҳамроқулов

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 7 сентябрдаги 03-07/7119-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.